БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 9 (17.887). ● 11 январь 1981 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

ВАҚТДАН ЮТИБ

Янгиариқ райсиндаги хўжаликларда сеялкалар ва моллар ўтган йилдагига қараганда бир ой илгари сифатли ремонтдан чиқарилди. Ремонт ишларини яхши ташкил этиш ана шундай натижа берди. Илгари осма агрегатларни колхоз ва совхоз механизаторларининг ўзлари ремонт қилган бўлсалар, эндиликда бу ишни «Сельхозтехника» район бирлашмасининг меҳнаткашлари бажармоқдалар. Улар инженер Матназар Саидов раҳбарлигида бригада ташкил этдилар. Шу йўл билан машина-механизмларни район «Сельхозтехника» бирлашмаси устахоналарига олиб боришга сарфланадиган вақтни тежаб қолдилар. Ҳозирги вақтда бригада район хўжаликларида плугларни ремонт қилиш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

Экиш техникасини ремонт қилиш область штаби янгиариқликларнинг тажрибасини «Сельхозтехника»нинг бошқа бўлинмаларида ҳам жорий этмоқда. Фақатгина қайдов тракторлари ва бошқа агрегатларнинг энг мураккаб ремонт ишлари махсус устахонада бажарилади. Бошқа ишлар эса бевосита хўжаликларнинг ўзида амалга оширилади.

Ремонтчилар биринчи февралгача барча экиш техникасини шай ҳолга келтиришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

КЕЧА, 10 ЯНВАРДА...

ТАСС — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ЎзТАГ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● РЕКОНСТРУКЦИЯ ШАРОФАТИ

Партия XXII съезди номли Волга ГЭСида гидроагрегатларни реконструкция қилиш ишлари қизғин олиб бориляпти. Гидросозлар ҳар бир кундан оқилона фойдаланиб, партия XXVI съездига муносиб совғалар ҳозирлашмоқда.

Гидроагрегатларни реконструкция қилиш туфайли уларнинг ҳар бири қуввати 5 минг киловаттга кўпаяди.

● АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Қирғизистоннинг жанубидаги Ўш области марказида Ўрта Осиёда энг йирик аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйи қурилди. Бу ерда кийим-кечак ателъеси, ремонт устахоналари, фотосалон ва бошқа бўлимлар жойлашган.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари 1,5 баравар кўпайиб, унинг тури 500 дан ошиб кетди.

● ХОНАДОНЛАРДА «ЗАНГОРИ ЭКРАН»

Хабаровск ўлкасининг Нелькан қишлоғида яшовчи оилалар хонадонларида «занғори экран»лар ишлай бошлади. Бу ерда «Экран» алоқа йўлдоши системасининг қурилмаси монтаж қилинганлиги туфайли Москвадан рангли ва қора-оқ тасвирли эшиттиришларни олиб кўрса тиш имкони туғилди.

Бугунги кунда Хабаровск ўлкасининг 90 процент аҳолиси телеэшиттиришларни бемалол томоша қилмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг рух заводи коллективи ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки кунларидан бошлабоқ зарбдорларча меҳнат қилаётир. Заводнинг кадмий цехи ишчилари ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тўртдан бири давлат Сифат белгисига эга.

В. Шевцов бошлиқ смена, Р. Файзуллин етакчилигидаги қуювчилар бригадаси аъзолари ўз топшириқларини 1,5 баравар қилиб бажаришмоқда.

● КИНОЛЕКТОРИЙ ИШ БОШЛАДИ

Қарши шаҳрининг «Россия» кинотеатрида партиямизнинг XXVI съездига бағишланган кинолекторий очилди. «Билим» жамиятининг лекторлари тингловчилар ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини кенг миқёсда тушунтириб берадилар.

Кинолекторий программасига мувофиқ партиямизнинг улуғвор режалари муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, совет кишиларининг турмуши фаровонлашиб бораётганлигини акс эттирувчи хроникал-ҳужжатли фильмларни ҳам кўрсатиш мўлжалланмоқда.

● МЕЪМОРЧИЛИК АСОСИДА

Боёвут районидаги Ленин номли колхозда икки қаватли бино фойдаланишга топширилди. Бино миллий меъморчилик асосида қурилди. Қишлоқдаги меҳнат аҳли учун барча шароитлар муҳайё. Бу ерда меҳмонхона, ҳаммом, чойхона бор.

Қ. Аҳмедов бошлиқ қурувчилар бригадаси Сирдарё области ана шундай яна 3 та комплексни барпо этишади.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● ГДРда ҚУРГАЗМА

Берлинда «СССР атом энергетикаси» деб номланган кўргазма очилди. Унинг экспозицияларида Совет Иттифоқида атом энергетикасининг тараққиёт йўллари, СССР ва ГДР мутахассисларининг бу соҳадаги ҳамкорликлари ҳикоя қилинади.

● ИНДОНЕЗИЯ АҲОЛИСИ

Антара агентлигининг хабар беришича, **Индонезия аҳолиси 1980 йилги аҳолини рўйхатга олиш бўйича 147.383.075 кишини ташкил этди.**

Сўнгги ўн йил ичида мамлакат аҳолиси йилига тахминан 3,1 миллион кишига кўпайган.

● ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛИШМОҚДА

Бахтар агентлигининг хабарига кўра, Апрель революцияси душманларининг сохта пропагандаси таъсири остида ўз мамлакатини ташлаб кетган **афғон гражданлари ўз ватанларига қайтиб келишмоқда.** Сўнгги кунлар ичида 300 га яқин афғон оиласи ўз ватанига қайтиб келди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ҲАР БИР КУННИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК!

БОШ ЧЎПОН

Қўйчилик — қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи, озиқ-овқат, хом ашё ҳазинаси, халқ турмуши фаровонлигини яхшилаш, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш манбаи. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли бу тармоқ шаҳдам ривожлантириляпти, юксак чўққига кўтариляпти.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди муҳокамасига тақдим этган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида республикамизда ўн биринчи беш йилликнинг ҳар йилида сўйилган вазнда ўртача 400—410 минг тонна гўшт, 2,5—2,7 миллион тонна сут, 20—21 минг тонна жун, 2,25 миллион дона қоракўл тери етиштириш вазифаси қўйилди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда қўйчилик тармоғи ходимлари, хусусан бош чўпонларнинг ҳиссаси катта.

Бош чўпонларга давлат ва жамоатнинг жуда катта бойлиги — сурув-сурув қўй-қўзилар, тўқлилар, белоён яйловлар, миллион тонналаб озуқа ва суғориш иншоотлари, техника воситалари ишониб топширилган.

Кейинги йилларда қўйчилик тармоғида тубли ўзгаришлар юз берди: колхозлар, совхозлар, ёрдамчи хўжаликларда қўй-қўзи, тўқли, эчкилар сони кўпайтирилди, уларни зоотехника қоидалари асосида боқиш, урчитиш, асраш, наслчилик ишлари яхшиланди, айниқса, фермалар, комплекслар, отарларда зотли қўйлар салмоғи оширилди. Барча хўжаликларда қишлик ва ёзлик қўйхоналар қурилди, озуқа базаси мустаҳкамланди, яйловларнинг ҳолати яхшиланди, серунум ўтлар экилди, илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этилиб, зоотехника хизмати кўрсатиш юқори поғонага кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси қўйчиликни ривожлантириб, маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Қўйчилик билимдонлари, тажрибакорларининг сафи кенгайди ва мустаҳкамланди. Улар фан-техника ютуқлари, илғор иш усулларини ҳаётга татбиқ этишда ибрат кўрсатмоқдалар. Қўшрабат районидаги «Қўшрабат» совхозининг бош чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мамадиёр Шосимовнинг ёр борадаги ишлари айниқса диққатга сазовордир. Отар бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 230 тагача соғлом қўзи олиняпти, урғочилари ўстиришга сақлаб қолиняпти, айни кезда қоракўл тери тайёрлаш плани бажариляпти, «ремонт»га чиқарилган совлиқлар ўрни насли тўқлилар ҳисобига тўлдириляпти. Илғор тажриба мактабига айланган отарда қўй-қўзилар, тўқлилар сони, гўшт, жун, қоракўл терини кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилаш йўли билан катта даромад, кўплаб соф фойда олиняпти. Умрзоқ Қўшанов, Елгош Балиманов, Холбой Норжигитовлар бош чўпон бўлган отарларда ҳам юксак самараларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ватанпарварлик ташаббуси маъқулланган Оҳангарон, Фориш, Конимех, Ленин, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа қатор районлар қўйчилик фермалари, комплекслари, ёрдамчи хўжаликлари чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда қўйчилик маҳсулотлари етиштиришни 2,5—3 баравар, ҳатто ундан кўпроқ кўпайтиришга бутун куч ва резервларни сафарбар этмоқдалар, қишловни уюшқоқлик билан ўтказиш, самарадорликни ошириш чораларини кўрмоқдалар.

Қўй-қўзилар, хусусан бўғоз совлиқлар қиш фаслида кучайтирилган озуқа рациони билан боқилиши, мунтазам суғориб турилиши, об-ҳавога қараб яйловлар кездирилиши, турғунликка йўл қўйилмаслиги керак. Қўйхоналар тоза ва озода сақланиши, ветеринария хизмати кўрсатиш кучайтирилиши; қўзилаган совлиқлар ва янги туғилган қўзилар меҳр билан парваришланиши лозим. Бош чўпонлар, мутахассислар, кўмакдошлар ҳамиша отарларда бўлиб, қўй-қўзилар, тўқлиларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришлари лозим. Ҳозирги масъулиятли damларда заррача бепарволик, бегамликка йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, айрим фермалар, отарлар, ёрдамчи хўжаликларда ана шундай нуқсонлар учраяпти. Партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш билан, унинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари даркор.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1980-81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорида фермалар маҳсулдорлигини ошириш учун чорвадорлар, биринчи галда чўпон-чўлиқларнинг ижодий ташаббускорлигини кучайтириш, чорва моллар ва паррандаларнинг тўла-тўкис сақланишини, давлатга маҳсулотлар сотиш планлари ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлаш мусобақа ғолиблигига эришувнинг муҳим шарти эканлиги таъкидланган. Кам сарф-харажат қилиб, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар етиштириш учун курашаётган чорвадорлар, шу жумладан чўпон-чўлиқлар ғолиблар сафидан ўрин олиш учун бутун куч-ғайратларини, ички имкониятларини сафарбар этишлари лозим. Партиямиз чўпон-чўлиқларни улуғлаяпти. Улар бунга маҳсулотларни кўпайтириш билан жавоб беришлари керак.

Наманганлик бир группа юқори ҳосилли пахтачилик бригадалари бошлиқлари очиқ хат билан чиқиб, пахта ҳосилдорлигини кўтариш билан бир қаторда бригадалар қошида ёрдамчи чорвачилик участкалари ташкил этиш, хонадонларда қорамоллар, қўйлар асраш йўли билан маҳсулотларни кўпайтиришга даъват этдилар. Чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар хусусий секторда чорвачиликни ривожлантиришга ёрдам беришлари керак. Партия ташкилотлари мусобақани кучайтиришлари, илғорлар тажрибасини кенг жорий этишлари зарур, токи ҳар бир колхозчи, ишчи, хизматчи хонадонида кўплаб чорва моллари, хусусан қўйлар боқилиб, маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтиришга эришайлик, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб совғалар билан кутиб олайлик!

Андижон трикотаж фабрикаси коллективи ўтган беш йилликда планга қўшимча салкам 5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ишлаб чиқарилаётган 96 хил маҳсулотнинг 38 тури ўнинчи беш йилликда ўзлаштирилди. Ларнинг 29 таси давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. Янги беш ғор иш усулларини ҳаётга татбиқ этишда йилликда бу рақамлар салмоғини янада орттириш кўзда тутиляпти.

Суратда: корхона эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган илғор ишчилар: (чапдан) Муборак Матёқубова, Лидия Даркина ва Дилфуза Акбарова ўртоқлар.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҚИШКИ ЮМУШЛАРИ

ФАРҒОНА. Келгуси йили Фрунзе районининг пахта майдонлари янги ерларни ўзлаштирмай туриб, 150 гектардан знёд кенгайтирилади. Бу иш далаларни реконструкция қилиш ва пахта карталарини йириклаштириш ҳисобига амалга оширилади.

1270 гектар майдонни кенгайтириш 48 километр узунликдаги ариқни кўмиб, 24 гектар майдонни экинзорга айлантириш имконини беради. Зовурларни тўғрилаш ва реконструкция қилиш туфайли экин майдонларини қариб 20 гектар кенгайтириш имкони туғилади. Хўжаликларнинг экинзорларидан ўтадиган дамбаларни кўчириш орқали юз гектардан ортиқ майдон экинзорга айлантирилади.

Ҳозирги вақтда бутун районда ердан фойдаланиш ишлари авж олдириб юборилди. Далаларни реконструкция қилиш, ариқларни тўғрилаш ,дамбаларни кўчириш ишларида олтмишта скрепер, қирқта бульдозер, ўнлаб тракторлардан фойдаланилмоқда.

(ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКЛАРАРО НАСЛЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

Ургутдаги зотли сигирлар етиштириладиган колхозлараро комплекс Ургут ва Самарқанд районлари хўжаликларидан бузоқларнинг дастлабки туркумини қабул қилиб олди. Бу ерда бузоқлар цех системасида парвариш қилинади. Сўнгра улар зотли сигирлар подасини кўпайтириш учун колхозларга сотилади.

Комплекс 6 минг бош қорамол боқишга мўлжалланган. Унда 12 та механизациялаштирилган корпус бор.

(ЎзТАГ).

ШИОРИМИЗ:

ЭЛГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ!

КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ НАМАНГАН АВРЛИ ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Наманган шойи комбинатининг коллективи ялпи маҳсулот чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик топширигини муддатидан илгари, 1980 йилнинг 1 апрелигача бажарди. Давлат Сифат белгиси қўйилган газламалар ишлаб чиқариш 134 процент, «Янгилик» индекси қўйилган сифати яхши моллар чиқариш 139 процент қилиб адо этилди.

Комбинат коллективи КПСС XXVI съезди шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1981 йилда зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари 20 декабрда бажарилади. Қўшимча равишда 3,5 миллион сўмлик маҳсулот тўқиб чиқарилади. Шу жумладан янги тўқув ишлаб чиқаришини муддатидан илгари — нормадаги муддатлардан бир ой барвақт ўзлаштириш ҳисобига бир миллион сўмлик маҳсулот чиқарилади. Пландан ташқари 100 минг метр шойи газлама тўқилади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу шонли воқеагача ишлаб чиқариш илғорларидан беш киши тўрт ойлик планни, 250 киши уч ойлик планни бажаради.

Харидоргир моллар тўқиш 1980 йилга нисбатан 52 процент кўпайтирилади. Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи умумий ҳажмга нисбатан 35 процентгача етказилади.

Хом ашё ва материаллардан рационал фойдаланиш ҳисобига 150 минг киловатт-соат электр энергияси, 2 минг гигакалорий иссиқлик энергияси ва 500 килограмм ип калава тежалади.

Янги техника юзасидан иқтисодий самараси йилига 50 минг сўмга борадиган ўн икки тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилади ҳамда рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 25 минг сўм иқтисодий самара олинади, шартли равишда 50 киши бошқа ишларга кўчирилади. Авр-банд цехида 12 бригада меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига ўтказилиб, бунга 150 киши жалб этилади.

48 квартирали уй ва 100 ўринли пионерлар лагери қурпси муддатидан илгари қуриб битказилади. Ёрдамчи хўжалик янада ривож топтирилади, қўйлар 220 бошгача, асаларилар 150 кутигача, теплица хўжалигидаги лимон кўчатлари 220 туп кўпайтирилади.

Комбинат коллективи республика ипак саноатининг ҳамма корхоналарига мурожаат этиб, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга ҳамда ўн биринчи беш йиллик биринчи йили планлари муддатидан илгари бажаришни учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват қилади.

Социалистик мажбуриятлар комбинат коллективининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚУШИЛАМИЗ

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК РАВНАҚИ

Ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил этилганига атиги уч-тўрт йил бўлди. Ўша кезда 22 бош қорамолга эга эдик. Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотларни кўпайтириш йўли билан аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун нималар қилиш керак? Шу мақсад учун озуқа қандай тайёрланади? Чорва бинолари қуриш имкониятига эгамизми деган саволлар кун тартибида турарди. Бу муаммоларни ҳал этишда район партия ва совет ташкилотлари бизга катта ёрдам кўрсатди.

Аввало, озуқа экинлари экиш учун ер ажратиб берилди, маълум миқдорда маккажўхори, беда ва бошқа экинлар уруғи ажратилди, техника воситаларидан ёрдам қилинди. Айни кезда қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ички имкониятлардан самарали фойдалансак, гўшт ва гўшт маҳсулотларини кўпайтиришимиз, шу ҳисобга савдони кучайтиришимиз мумкин.

Ҳозир ёрдамчи чорвачилик хўжалигимизда 562 бош қорамол, 284 бош қўй, 23 бош илқи, 6 бош туя бор. Чорва молларнинг бир қисми аҳолидан харид қилинади ва дарҳол бўрдоқи ва сўқимга боқишга қўйилди. қолган қисми эса насл олиш йўли билан кўпайтирилди. Ёрдамчи чорвачилик хўжалигининг афзаллиги шундаки, аҳолни савдо дўконлари орқали ҳамиша гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин. Бу савдо обороти планининг бажарилишида, соф фойдани кўпайтиришда катта роль ўйнайди.

Шу ўринда айрим мисоллар келтириб ўтмоқчиман. Дастлабки пайтларда биз бозордан ва колхозчилар, совхозларнинг ишчи-хизматчиларидан ихтиёрий равишда ориқ, кам тош босадиган қорамоллар харид қилдик. Олдиндан етарли миқдорда ем-хашак ва бинолар тайёрлаб қўйилгани учун уларни дарҳол боқувга қўйдик. Яхши боқилиши туфайли тез фурсатда 400—430 килограмм тош босадиган бўлди.

Ёрдамчи чорвачилик хўжалигимизда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ойма-ой кўпайтирила борди. Натижада, ўтган йилнинг биринчи ярмида Гулистон шаҳри аҳолисига ҳар куни 500—600 килограммдан гўшт жўнатиб турилди. Кейинчалик бу ра қам 1500 килограммгача кўтарилди. Ўндан ташқари пойтахт Тошкент шаҳрига ҳам кўплаб маҳсулотлар жўнатмоқдамиз.

Ёрдамчи чорвачилик хўжалигининг фаолиятини янада кучайтириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун янги тармоқларни ишга солляпмиз. Шундай тармоқлардан бири паррандачиликдир. Ҳозир кўп миқдорда гоз, ўрдак ва товуқ боқилляпти. Биз бир туркум паррандаларни парваришлашга қўйиш билан чекланмаймиз, кетма-кет иккинчи ва учинчи туркумларини қўямиз. Дастлабкилари гўштга сўйилиши билан улар ўрнига иккинчи туркумдагилар, сўнгра учинчи туркумдагилар ўтказилади. Бу орада янги очирилган жўжалар хилларга ажратилиб парваришлашга қўйилади. Шундай қилиб, йилнинг тўрт кварталида кўп миқдордаги тўрт туркум паррандаларни гўштга сўйдирамиз.

Шу ўринда бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Россия Федерацияси, Украина ССР ва бошқа қардош республикаларда энг кўп гўшт, тухум берадиган зотдор сув паррандаларн, товуқлар етиштирилади. Ушандай зотли паррандалардан республикамиз хўжаликлари, хусусан, ёрдамчи хўжаликларига ҳам кўплаб келтирилса, насл тарқатилса яхши бўлар эди. Бу борада дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари жиддийроқ бош қотирадилар, илтимосимизни инобатга оладилар деган умиддамиз.

Ташаббускор Андижон области ва бошқа қатор районларнинг иш тажрибаси асосида ёрдамчи чорвачилик хўжалигида маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқдик. **Ўн биринчи беш йиллиннг дастлабки босқичи — 1981 йилдаёқ бўрдоқига боқиладиган қўйларни 800 бошга, сўқимга боқиладиган қорамолларни 1.000 бошга етказамиз, паррандалар сони эса 50 минг бошдан оширилади. Шу даврда савдо ва умумовқатланиш тармоқлари орқали меҳнаткашларга 15 тонна қўй гўшти, 200 тонна мол гўшти, 600 тонна парранда гўшти етказиб берилади. Беш йиллик охирига бориб оборотдаги қорамоллар 2.000 бошни,қўйлар 1.500 бошни ташкил этади, паррандалар 500 мингтадан оширилади.** Сирдарё область партия комитети ёрдамчи чорвачилик хўжалигимиз коллективининг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Чорва моллар, паррандалар озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва маҳсулотларини ўз хўжалигимизда тайёрланаётган озуқа ҳисобига кўпайтириш чораларини кўрямиз. Ҳозир озуқа экинлари майдони 300 гектар бўлиб, ҳосилдорлик йил сайин кўтарилмоқда.

Ҳамма тармоқларда бўлгани каби ёрдамчи чорвачилик хўжалигида ҳам чорва моллар сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш тақдирини меҳнатсевар кишилар ҳал қилади. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига қизғин давом эттирилаётган социалистик мусобақага қўшилган Жума Мулаев, Бердимурод Қодиров, Ортиқбой Шокировлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари чорва моллларнинг бир неча-кундузлик семиришини ошириш, ялпи гўшт тайёрлашни кўпайтиришда қувончли натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг тажрибаси ҳамманинг мулкига айлантирилмоқда.

Ҳар бир ишда муваффақиятга меҳнат, уюшқоқлик, ташкилотчилик билан эришилади. Қийинчиликларни вақтида бартараф этиш, резервларни ҳаракатга келтириш, бегамлик, бепарволикка йўл қўймаслик ҳам ғалабага эришувнинг муҳим омилларидир. Ёрдамчи чорвачилик хўжалигимиз коллективи ўз бурчини сидқидилдан ўтаб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни шарафли бурч деб билади.

Г. ХУЖАҚУЛОВ,
Сирдарё область, Боёвут район матлубот жамияти правлениесининг раиси.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Совети нинг Раиси Н. А. Тихонов 9 январь куни Кремлда Халқаро Олимпиада комитетининг президенти Х. А. Самаранчни қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишида Халқаро олимпиада ҳаракати катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. 1980 йил ёз фаслида XXII Олимпиада ўйинларининг муваффақиятли ўтказилганлиги халқларнинг алоқа қилишга, ҳамкорликка, тинчликка бўлган муддаоларини ғоят яққол тасдиқлади ва жаҳон спорт ҳаракатида, ижтимоий ҳаётда жуда катта воқеа бўлди.

Н. А. Тихонов Совет Иттифоқининг Халқаро олимпиада ҳаракатини, унинг демократик принципларини ва дўстлик ҳамда тинчлик ғояларини қўллаб-қувватлаш йўли ўзгармас йўл эканлигини уқтириб ўтди.

Х. А. Самаранч 1980 йилги Олимпиада ўйинларини тайёрлаш ва ўтказишга самарали кўмаклашганлиги учун Совет ҳукуматига Халқаро олимпиада комитетининг номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Учрашувда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, СССР Физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павлов, шунингдек ХОК биринчи вице-президенти В. Г. Смирнов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ А. ҲАСАНОВГА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг секретари Ўртоқ Абдулла Ҳасановга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил 9 январь.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тожикистон адабиёти ва санъати усталари шу йил май ойида Ўзбекистонга келадилар. Сентябрь ойида эса Ўзбекистон маданият арбоблари қардош республикага борадилар. Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик кўриш ҳамда Тожикистон ССРда ана шундай жавоб тадбирларини ўтказиш ташкилот комитетининг 10 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида маълум қилинди. Мажлисни республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева олиб борди.

Бўлажак дўстлик байрамларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон министрликлари ва идоралари, ижодий союзлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Бу учрашувлар икки республика қаётида катта воқеа бўлиши, қардош халқлар маданиятларининг янада яқинлашуви ва бир-бирини бойитишидан иборат олижаноб ишга хизмат қилади, деб уқтириб ўтилди.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ИСТИҚБОЛ ПРОГРАММАСИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ТАЛАБЧАНЛИК БОШ МЕЗОН

ҚАШҚАДАРЁ

Ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтган Қашқадарё область партия конференциясида воҳа коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда амалга оширган бунёдкорлик ишларига якун ясалиб, янги беш йилликдаги улуғвор вазифалар белгилаб олинди. Чўлқуварлар партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳамда қўриқ ўлкани ҳар томонлама ривожлантиришга шай эканликларини изҳор этдилар.

Бу бежиз эмас. Қашқадарё меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик даврида катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар давлатга 2 миллион 514 минг тонна пахта, 770 минг тонна дон, 127 минг тонна гўшт, 230 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Кўплаб саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги анча ошди ва маҳсулот сифати кўтарилди. Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқ ва докладларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини изчил ривожлантиришга эришдилар.

— Буларнинг ҳаммаси, — деди ҳисобот докладида Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Гоипов, — қўриқ ўлка меҳнаткашларининг партия ташкилотлари раҳбарлигида амалга оширган фидокорона меҳнатлари самарасидир. Ўтган давр ичида область ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Область ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан юксалди. Область ҳаритасида янги шаҳар ва районлар пайдо бўлди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсди. Ана шу катта ишларга бошқош бўлган, ташаббускорлик қилган область коммунистлари ўзларининг навбатдаги конференцияларига ғоявий жиҳатдан чиниққан ва улуғвор вазифаларни адо этишга шай турган ҳолда келдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ўтган давр ичида область меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқларни таҳлил этдилар ва умумлаштирдилар. Область саноатчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларини ошириб адо этдилар. Ўтган давр ичида маҳсулот ҳажми 1,5 баравар кўпайди, асосий фондлар 40 процент ортди. Шаҳрисабз пахта тозалаш ва консерва заводлари, Қарши ёғ-экстракция заводи реконструкция қилинди. Натижада бу корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари ошди ва маҳсулот сифати яхшиланди. 75 та корхона, 500 та цех ва участка ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили план ва топшириқларини муддатидан анча илгари уддалашга муваффақ бўлди. Ана шу корхоналарда меҳнат қилаётган илғор ишчилардан 120 киши бир беш йилликда икки беш йиллик плани адо этди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлардан Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Я. А. Илиади, Муборак район партия комитетининг биринчи секретари Н. Осмонов, Қарши тажриба ремонт-механика заводининг ишчиси Г. Репина ва бошқалар айрим саноат корхоналарида имконият ва резервлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги ҳақида гапириб, мажбуриятларни бажаришда ана шу имкониятларнинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидладилар. Кейинги икки йил ичида 5 та корхона лойиҳа қувватида ишламагани учун ҳам йиллик планларни узлуксиз бажара олмади. Айниқса, Қарши шаҳридаги деворбоп материаллар комбинати, Ғўзор асфальт-бетон заводи, Муборак газни қайта ишлаш заводида ана шундай камчиликлар содир бўлди. Корхоналарни янги техника билан жиҳозлаш, уларни лойиҳа қувватига етказиш ва шу тарзда маҳсулотлар сифатини ошириш эндиликда партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда область партия ташкилотлари капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга, қурилиш объектларини ўз муддатида фойдаланишга топширишга жиддий эътибор бера бошладилар. Ўтган беш йилликда қарийб 2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Янгидан «Каршипрясмаш» бирлашмаси, «Муборакгазпромстрой» трести сингари ўнта қурилиш ташкилоти тузилди. Бу ўз навбатида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бориш имкониятини туғдирди. Лекин шунга қарамай область партия комитетининг ишлар

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ИНСТИТУТИГА АСОС СОЛИНГАН КУННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ҒОЯВИЙ ХАЗИНА

КПСС ўзининг бутун революцион-ўзгартирувчилик фаолиятини марксизм-ленинизм назариясининг мустаҳкам пойдеворига қуради. Шу боисдан ҳам партия Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб марксизм-ленинизмни чуқур ўрганиш, уни кенг тарғиб қилишни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди.

1921 йил январида В. И. Ленининг ташаббуси билан РКП(б) Марказий Комитети К. Маркс ва Ф. Энгельс институтини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу институтнинг зиммасига марксизм асосчиларининг ғоявий-назарий меросини эълон қилиш соҳасидаги тадқиқотчилик ва нашриётчилик иши юклатилди. Кейинчалик марксизмни, халқаро коммунистик ҳаракат тарихини ўрганиш, марксизмни кенг меҳнаткашлар оммаси орасида илмий пропаганда қилиш вазифаси ҳам институтга топширилди.

20-йилларнинг бошларидаёқ партия В. И. Ленин асарларини тўплаш ва илмий асосда эълон қилиш тадбирларини кўрди. РКП(б)нинг IX съезди революция йўлбошчиси асарлари тўпламини нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу — масъулиятли ва мураккаб вазифа эди. 1923 йилда В. И. Ленин институти вужудга келтирилди. Институт партия XIII съезди ишлаб турган кунларда расмий равишда очилди. Съезд қарорида уқтириб ўтилдики, съезд «Ленин асарларининг Тўла тўпламини тамоман илмий асосда ва жуда диққат билан нашр этишдан, кенг ишчилар оммаси учун СССРдаги барча миллатлар тилида В. И. Ленининг танланган асарларини ўз ичига олган Ленин кутубхонасини тайёрлашдан иборат, деб ҳисоблайди... Шундай қилиб, В. И. Ленин институти кенг партияли ва партиясизлар оммаси ўртасида ленинизмни ўрганиш ва уни ёйиш базаси бўлиб қолиши лозим».

1928 йилда В. И. Ленин институти Октябрь революцияси тарихига ва Россия Коммунистик партияси тарихига оид материалларни тўплаш ва ўрганиш комиссияси (ИСТПАРТ) билан бирлаштирилди. 1931 йил ноябрида эса марксизм-ленинизмни яхлит-мунтазам интернационал таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм масалаларини янада чуқурроқ ишлаб чиқиш мақсадида К. Маркс ва Ф. Энгельс институти билан В. И. Ленин институти бирга қўшилиб, мамлакатнинг ягона олий партиявий илмий-тадқиқот муассасасига айлантирилди ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс-Энгельс-Ленин институти номини олди.

1956 йилдан бери у КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти номи билан аталиб келмоқда. Институт К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг ғоявий меросини илмий ишлаб чиқиш, нашр этиш, пропаганда қилишдаги катта хизматлари учун ва асос солинган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан 1971 йилда Ленин ордени билан мукофотланди. Ҳажми ва аҳамияти жиҳатидан ҳужжатларнинг энг катта фонди вужудга келтирилганлиги, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларининг ўз составида ва миқёси жиҳатидан ноёб тўпламлари нашр этилганлиги марксизм-ленинизмнинг ғоявий хазинасига институтнинг қимматбаҳо ҳиссаси бўлиб кўшилди. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг Марксизм-ленинизм институти Марказий партия архивида сақланаётган қўлёзма меросида ҳозир мингтадан кўпроқ ҳужжат бор, шу ҳужжатларнинг салкам учдан бир қисми асл қўлёзмалардир. Бу ерда В. И. Ленин номи билан боғланган 34 мингтадан кўпроқ қўлёзма, хат ва ҳужжат сақланмоқда. Бундан ташқари В. И. Лениннинг 396 та фотосурати, Владимир Ильич ҳаёт чоғида суратга олинган 874 метр кинолента, унинг нутқлари ёзилган 14 та граммофон пластинкаси бор.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида К. Маркс билан Ф. Энгельс асарлари тўплами икки марта ва В. И. Ленин асарлари тўплами беш марта нашр этилди. Уттиз тўққизта Ленин тўплами революция йўлбошчиси ғоявий меросини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишга қўшилган катта ҳисса бўлди. Бу тўпламлар Владимир Ильичнинг қўлёзмалари, материаллари ва ҳужжатлари биринчи бор эълон қилинган асосий нашрдир. Бу тўпламларнинг охирги — учтасидагина эълон қилинган 1250 тадан кўпроқ янги ҳужжат В. И. Лениннинг кўп қирали назарий, сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини акс эттиради.

К. Маркс билан Ф. Энгельс асарларининг иккинчи русча эллик томли нашрини тайёрлаш устида марксизм-ленинизм институти кўп йиллардан бери қилиб келаётган иш КПСС XXVI съездигача тугалланади. Шу иш жараёнида марксизм асосчилари таржимаи ҳолининг янги фактлари аниқланди.

Ленин асарларини ўрганиш, нашр этиш ва пропаганда қилиш соҳасида катта иш ўтказилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисидаги қарори бу ишни рағбатлантирувчи янги омил бўлди. В. И. Ленин тўла асарлар тўпламининг учинчи қўшимча тиражи чиқариб бўлинди.

В. И. Лениннинг ўн икки томлик биографик хроникасининг нашр этилиши кейинги йиллардаги энг муҳим воқеа бўлди. Ҳозирги вақтда бу салмоқли иш ниҳоясига етказилмоқда: унинг сўнгги, ўн иккинчи томи 1981 йилда чоп этилади. Ижтимоий фанлар учун бу нашрнинг аҳамияти жуда катта. Унда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига оид бўлган ҳамда архивлардан, вақтли матбуотдан, ёднома адабиётлардан, бошқа ҳужжатлар ва материаллардан аниқланган ҳамма фактлар биринчи марта яхлит тарзда тўпланиб, мунтазам тартибга солинган. Биографик хроникада Владимир Ильичнинг фаолияти тўғрисида манбалари кўрсатилган 30 мингтага яқин факт бор. Унинг томларида Ленинга алоқадор бўлган 6 мингтадан кўпроқ ҳужжат биринчи марта (тўла ёки қисман) эълон қилинган. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига атаб 1980 йилда эълон қилинган ва Ленинга алоқадор 264 та янги ҳужжатни ўз ичига олган XXXIX Ленин тўплами материалларини ҳам шу жумлага қўшмоқ керак.

Кейинги йилларда ҳужжатларнинг салмоқли тўпламлари чоп қилинди. «КПСС съездлар, конференциялар, Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» тўплами саккизинчи нашрининг 11- ва 12- томлари босилиб чиқди, унинг 13-томи, шунингдек «Совет ҳокимиятининг декретлари» тўпламининг 8- ва 9-томлари босмага тайёрлаб қўйилди.

Марксизм-ленинизм институтининг марксизм-ленинизм классиклари асарларини ва партия ҳужжатларини нашр этиш соҳасидаги фаолияти ижтимоий фанларнинг методология ва манба базасини анча кенгайтиради, КПССнинг мафкуравий, сиёсий-тарбиявий иши учун бевосита аҳамиятга эга бўлади. Марксизм-ленинизм классикларининг янги топилган ишини ҳар сафар эълон қилиш КПССнинг, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг ғоявий ҳамда назарий хазинасини бойитади, улар ҳозирги замоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий проблемаларини ҳал этишда, коммунизм душманларига қарши ўткир курашда, Маркс-Энгельс-Ленин ғояларининг тантанаси учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашда шу хазинадан фойдаланмоқдалар.

Марксизм-ленинизм таълимотининг мусаффолиги учун кураш, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг назарий меросини КПСС ва бошқа марксчи-ленинчи партияларнинг сиёсатини соҳталаштирувчи маочиларни, буржуа ва реформист қаллобларни фош этиш институт фаолиятида тобора катта ўрин олмоқда. Шу жиҳатдан олганда Марксизм-ленинизм институти В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига атаб «Марксизм-ленинизм ва ҳозирги замон» мавзуида тайёрлаган халқаро илмий конференцияни уқтириб ўтмоқ керак. Конференцияда Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларининг 39 коммунистик ва ишчи партияси вакиллари қатнашдилар. У ҳозирги замоннинг энг зарур проблемаларини муҳокама қилиш, илмий коммунизм назариясини ишлаб чиқишнинг фойдали коллектив формаси бўлди.

Институт ишида биринчи даражали аҳамият берилаётган илмий проблемалар қуйидагилардан иборат:

— Партия тўғрисида Ленин таълимоти; КПСС тарихи, партия қурилиши проблемалари. Большевизмнинг қарор топишини, унинг халқаро аҳамиятини ўрганишга, буржуа-демократик революциянинг ўсиб, социалистик революцияга айланиши билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларга янги ҳисса қўшилди. Революцион-ўзгартирувчилик фаолиятининг ҳамма босқичларида Коммунистик партиянинг қаҳрамонона йўлини ҳар томонлама очиб беришнинг муҳимлиги шу билан изоҳланадики, коммунистик жамият бунёдкорларининг ҳозирги авлоди шу тажриба асосида тарбияланмоқда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий тажрибаси халқаро аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Кўп томли «КПСС тарихи» устидаги иш поёнига етай деб қолди. Нашр этиш учун планлаштирилган ўн китобдан иборат 6 томдан 5 томи (8та китоб) чиқарилди. КПССнинг XXVI съездига отличи томнинг (биринчи китоб) макети тайёрланди.

«Россиядаги уч революция тарихи», «КПССнинг идеологик фаолияти (1917-1980 йиллар)» сингари комплекс, салмоқли асарлар яратиш соҳасидаги иш актив давом этмоқда. Бу асарларни XI беш йилликда эълон қилиш белгиланган.

Кейинги йилларда партия маҳаллий ташкилотлари тарихининг институт филиаллари тайёрлаётган очерклари ғоявий-назарий савияси ошди.

Институтнинг партия қурилиши соҳасидаги асосий куч-ғайратлари партиянинг социалистик ва коммунистик қурилишдаги раҳбарлик роли ошиб бораётганлиги проблемаларини таҳлил этишга қаратилган.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларнинг партия қурилиши соҳасида ортирган тажрибаси синчиклаб ўрганилмоқда. Қардош партияларнинг жамият сиёсий системасидаги ўрни ва ролини, улар раҳбарлик фаолиятининг муштарак ва ўзига хос йўналишлари ҳамда формаларини таҳлил этадиган асарлар тайёрлаб қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига биноан умуман институтнинг фаолияти марксизм-ленинизм назариясининг ривожланган социализмни янада мустаҳкамлаш вазифалари билан, КПСС ички ва ташқи сиёсатини назарий жиҳатдан асослаш билан бевосита боғлиқ бўлган энг зарур проблемаларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия билан халқнинг коммунизм учун курашдаги буюк муваффақиятлари ҳақида гапириб, бундай деб таъкидлади: «Инсоният даҳосининг барча муваффақиятларини ўзига сингдириб олган фан — марксизм-ленинизм бизнинг ишларимизга раҳнамо бўлмоқда». Марксизм-ленинизм институтининг бутун олтмиш йиллик самарали фаолияти шу фанни ижодий ривожлантиришга, уни кенг миқёсда тарғиб этишга хизмат қилиб келди. Бу фаолият ленинчи Марказий Комитет, улуғ Ленин ишининг атоқли давомчиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси раҳбарлигида Коммунистик партия билан совет халқи муваффақиятли равишда ҳал этаётган улуғвор вазифалар билан чамбарчас боғланган.

П. РОДИОНОВ,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти директорининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари доктори.
(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ОЛОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги Гагарин номли мактаб ўқитувчиси Ҳ. Рўзиеванинг шу мактаб директори З. Жумаев устидан норози бўлиб ёзган шикоят хати юзасидан атрофлича текшириш ўтказилди.

Текшириш натижаси район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида ҳамда район халқ маорифи бўлими Советида муҳокама этилди.

Уз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун З. Жумаев мактаб директорлиги вазифасидан озод қилинди ва қаттиқ огоҳлантирилди. Район халқ маорифи бўлими мудири С. Абдуллаев ўз ишига эътиборсизлик билан қараганлиги учун район партия комитетининг бюросида огоҳлантирилди.

Ҳ. Ғўзнева ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИ:

Комсомолобод район меҳнаткашларидан келган шикоят хатни текшириб чиқди. Хатда кўрсатилган район молия бўлимининг мудири А. Турғунов томонидан давлат ва жамоат мулки талон-торож қилинганлиги тўғрисидаги фактлар тасдиқланди.

Текшириш натижаси халқ депутатлари Комсомолобод район Совети ижроия комитетида кўриб чиқилиб, А. Турғунов вазифасидан четлатилди. Шунингдек, А. Турғуновга нисбатан партиявий чора кўриш ҳамда уни район Совети депутатлигидан чақириб олиш масаласини ҳал қилиш ҳақида район партия комитетига ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетига тавсия нома киритилди.

Самарқанд область Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг марказий устахонасида техникани мавсумга шайлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Суратда: механизатор С. Хўжахонов ўз агрегатини ремонт қилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЁШЛАР ОТАЛИҒИДА

Ҳозир қиш фасли бўлишига қарамай, республикамизнинг кўпгина хўжаликларида экиш агрегатлари шайланмоқда. Бу борада Тошкентдаги «Узбексельмаш» бирлашмаси коллективи анчагина ишларни амалга оширди. Агар январь ойининг бошларида корхона конвейеридан кунига 33—35 сеялка тушган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 40 дан ошди.

Бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXVI съезлини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1981 йилнинг биринчи квартали учун мукобил план қабул қилишди. Йилнинг дастлабки уч ойида топшириқдаги 2300 ўрнига 2400 СТХ-4Б сеялкалари тайёрлашга аҳд қилишди.

Қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб экиш агрегатлари ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш вазифаси анча масъулиятлидир. Ишчи-хизматчиларнинг таклифи асосида бу вазифани бажариш талбирлари белгиланди. Бирлашма комсомол-ёшлари бу мажбуриятни бажаришга оталиқ қилишяпти.

Корхонада кўп станокчилик ҳаракати авж олиб кетди. Слесарлар В. Зуев билан А. Сорокатий кўпгина турдаги касбларни эгаллаб олишди. Т. Йўлдошев, В. Меркулов ва бошқа ишчилар уч-тўрт дастгоҳда ишлаб, ишгорлардан қолишмаяптилар. Иш жойида тартиб ўрнатиш, дастгоҳлардан унумли фойдаланиш ҳам ютуқлар омили бўлмоқда.

Дастлабки уч ой ичида корхона коллективи мамлакат пахтакорларига уч мингдан ортиқ аниқ экиш аппаратлари, бир ярим мингдан кўпроқ тупроққа ҳар хил гербицидлар соладиган аппаратлар етказиб берадилар. Экиш бошлангунча эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича ярим йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилинди. Бу корхона меҳнаткашларининг жонажон партиямиз XXVI съездига муносиб совғаси бўлади.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ЕДГОРЛИГИ

Болгария пойтахтида номаълум солдат ёдгорлигини қуришга киришилди. У бронза чамбарлар билан безатилган оддийгина гранит монументдан иборат бўлади. Унинг ёнида қадимий Болгария тимсоли бўлмиш шернинг тош ҳайкали ўрнатилади. Ёдгорликка: «Болгария, улар сен учун ҳалок бўлдилар!» деган сўзлар ўйиб ёзиб қўйилади. Монумент олдида ўтган асрлар қаҳрамонларига сўнмас халқ эҳтиромли ва муҳаббати рамзи сифатида абадий олов ёқилади.

Монумент Болгария давлати ташкил топган кунининг 1300 йиллиги байрами арафасида, шу йилнинг августида очилади. Кейинчалик бу майдон тантанали маросимлар жойига айланади, республиканинг ёш жангчилари шу ерда қасамёд қиладиган бўладилар.

ЯНГИ МЕҲНАТ МАРРАЛАРИ

ВХР химия саноатининг меҳнаткашлари янги беш йиллик учун юксак меҳнат марраларини белгилаб олдилар. Меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, янги технология жараёнларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида ҳар йили шу тармоқ маҳсулотининг ҳажмини қарийб 6 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда. Химия индустриясининг мана шундай узлуксиз суръатлар билан ривожланиши мамлакатнинг ички эҳтиёжларини кондирибгина қолмай, экспорт ҳажмини доимо ошириш имконини ҳам беради.

ГДР КЕМАСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

ГДРнинг Росток шаҳридаги «Варнов-Верфт» корхонаси кемасозлари янги йилдаги дастлабки кемани қуриб битказдилар. 13.600 тонна ҳажмли қуруқ юк ташийдиган навбатдаги кема сувга туширилди. Январь ойининг дастлабки кунларида ГДРнинг Штральзунддаги бошқа бир катта кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқи учун «Атлантик» типидаги супертраулер қуриб битказилди. Йил давомида мазкур кемасозлик корхонаси жами 26 та, яъни 1980 йилга нисбатан тўртта кўп балиқ овлаш кемасини қуриб беради.

(ТАСС).

ПОЛЬША ЭКОНОМИКАСИНИНГ МУАММОЛАРИ

ВАРШАВА, 10 январь. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, планлаштириш комиссиясининг раиси Г. Кисель мамлакатнинг асосий иқтисодий проблемаларига тўхталди. Польшада «бениҳоя мураккаб иқтисодий вазият» вужудга келди, деб таъкидлади у. Саноат ишлаб чиқаришида ҳеч қандай яхшиланиш содир бўлмади, қишлоқ хўжалигидаги якунлар эса бир неча йил аввал эришилган даражада қолди, деди Г. Кисель. Миллий даромад икки йилдан бери камайиб бормоқда.

1981 йилги план лойиҳасининг бош вазифаси меҳнаткашларнинг, аввало аҳоли камроқ таъминланган қисмининг турмуш даражасини сақлаб қолишдан иборат, деб уқтирди у. Бу йил миллий даромадда капитал маблағнинг улуши 14 процентни ташкил этиши (1980 йилда 19 процент эди), истеъмолнинг улуши эса 83 процентгача кўтарилиши (бултур 79 процент эди) кутилмоқда.

Г. Кисель қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат комплекси муаммолари ҳусусида гапириб, 1981 йилда дон етиштириш соҳасида, эҳтимол 1978 йил даражасига етишга муваффақ бўлинади, деб айтди. Афсуски, деди у сўнгра, чорвачилик соҳасида бу даражага эришиб бўлмайди, бу эса аҳолини айниқса гўшт, гўшт маҳсулотлари ва мол ёғи билан таъминлашга салбий таъсир қилади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш 23 процент, мол ёғи етказиб бериш 16 процент камаяди. Умуман озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш 1980 йилга нисбатан 2,5 процент оз бўлади. Шу сабабли гўшт, ёғ, сариёғ сотишни оқилона йўлга қўйиш планлаштирилмоқда.

Бу ердагиларнинг қайд этишларича, Польша халқ хўжалигида рўй берган кескин номутаносибликлар ва ўтказилган забастовкалар натижасида бу аҳволнинг янада мушкуллашганлиги, қишлоқ жойлардаги ишда ҳамон узилишлар бўлиб турганлиги, яна кенг миқёсда иш ташлаш ўтказиш хавфи маҳсулот етиштириш жуда камайиб кетганлигининг ва иқтисодий аҳвол ёмонлашганлигининг асосий сабабларидир. Корхоналардаги иш тўхтаб қолганлиги мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволига жуда салбий таъсир қилмоқда.

Польша матбуотининг эътироф қилиб ёзишича, мамлакат корхоналаридаги ҳамон асабийлик муҳити ҳукм сурмоқда, унумдорлик ва меҳнат интизоми паст. Польшадаги вазиятни янада кескинлаштиришга уринаётган антисоциалистик гуруҳлар бундан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

ПБИП Марказий Комитетининг органи — «Трибуна люду» газетаси Польшадаги социализмга қарши кучларнинг ҳаракатларини, уларнинг Ғарбдаги империалист қўпорувчи марказлар билан алоқаларини фош қилиб, қуйидагиларни ёзади:

Социализмга қарши кучлар ПХРдаги ижтимоий-иқтисодий системага қарши қўпорувчилик фаолиятида турли методларни ишга солмоқдалар. Улар Гданьск битимларидан ва «Бирдамлик» касаба союзидан ПХРдаги тузумнинг жиноятларини бузиш учун ҳам, шунингдек социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини қўпориш учун ҳам қандай фойдаланаётганликлари манзараси мана шундан равшан кўринмоқда.

ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Кобулда Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши президиумининг мажлиси бўлди. Мажлис Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Б. Кармал раислигида ўтди.

Мажлисда умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун тасдиқланди. Бу қонун кучга кирди. АДР Революцион Кенгаши президиуми АХДП Марказий Комитетининг, АДР Революцион Кенгаши ва ҳукуматининг янги қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакат халқига ва қуролли кучларига мурожаатини ҳам тасдиқлади. Бу мурожаат илгари АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва АДР ҳукумати томонидан маъқулланган эди.

Мурожаатда ёш демократик республиканинг ривожланишига ҳалақит беришга уринаётган империализм ва реакциянинг кирдикорлари кескин қораланади.

Ҳужжатда АДРга кўрсатилаётган халқаро ёрдамга юксак баҳо берилади. Жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларининг ва аввало Совет Иттифоқининг ана шу қардошларча ва бегараз кенг ёрдами ҳамда мадади революциямиз ғалабаларининг гаровидир.

Мурожаатда яна бундай дейилади: АДР қуролли кучларини мустаҳкамлаш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунда таъкидлаб ўтилишича, ватанни муҳофаза этиш, халққа хизмат қилиш мамлакат ҳар бир гражданининг олий ва муқаддас бурчидир. АДРнинг қаҳрамон қуролли кучлари сафларида хизмат қилиш мамлакат аҳолисининг ғоят фахрли ва ватанпарварлик бурчи, деб ҳисобланади. Бу қонун, деб уқтириб ўтилади мурожаатда, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, демократик Афғонистоннинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу қонун йигирма ёшдан тортиб 40 ёшгача бўлган кишиларни армия сафига чақиришни кўзда тутади.

Мурожаатда АДР қуролли кучлари мамлакат меҳнаткаш халқининг қаҳрамон армияси деб ҳисобланганлиги қайд этилади.

Апрель революциясининг ғалабаларини муҳофаза этиш, ватанни, мамлакатнинг мустақиллиги, территориал бутунлиги ва миллий суверенитетини ҳимоя қилиш, деб таъкидлаб ўтилади АХДП Марказий Комитети, АДР Революцион Кенгаши ва ҳукуматининг мурожаатида, АДР қуролли кучларининг муқаддас бурчи бўлиб қолмай, Афғонистондаги бутун мусулмон халқининг ҳам муқаддас бурчидир.

(ТАСС).

БЕҚАРОРЛИК ВАЗИЯТИДА

Пекинда Линьбяо ва Цзян Циннинг «контрреволюцион гуруҳлари» иши юзасидан ўтказилаётган суд мажлиси янги йил арафасида тугалланди. Давлат айбловчиси Цзян Цинни «алоҳида хатарли контрреволюцион жиноятлари учун» «шафқатсизлик билан жазолаш»ни талаб қилди. Пекиндаги ажнабий кузатувчилар орасида жиноят кодексининг моддаларига асосланиб Маонинг хотини умрбод қамоқ жазосига ва ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин, деган фикр айтилмоқда.

Чет эл сиёсий обзорчиларининг фикрича, ҳукм чиқарилиши пайсалга солинмоқда. Гап, чамаси шундаки, суд мажлисининг ташкилотчилари бу машмашанинг ҳам ички, ҳам ташқи соҳадаги нохуш таъсирини имкони борича камайтиришни, уни «жиноий жавобгарлар» устидан ўтказилган судгина қилиб кўрсатишни хоҳламоқдалар. Суд ёпиқ тарзда ўтказилди, Хитой матбуоти билан телевидениеси эса бу ҳақда қисқа-қисқа репортажларгина берди, бу репортажлардан ҳам судланувчилар шоҳидлигидаги кўпгина муҳим сиёсий жиҳатлар олиб ташланди. Жумладан, «маданий революция» давридаги жабр-зулмлар учун Мао Цзэдун ва Чжоу Энлайнинг бевосита жавобгарлигини исботлашга олиб борадиган жиҳатлар кўрсатилмади.

Цзян Циннинг икки соатдан кўпроқ давом этган ҳимоя нутқидан кичик парчаларгина эълон қилинди. У ўз нутқида Маонинг измисиз мустақил ҳаракат қилганлиги тўғрисидаги ҳамма айбларни зўр бериб рад этди. «Мен нимаики қилган бўлсам, — деди у, — раис Мао Цзэдун бошчилигидаги ХКП Марказий Комитетининг қарорларига биноан, Мао Цзэдун билан Чжоу Энлайнинг кўрсатмаларига мувофиқ қилдим». Цзян Цин мана шу қарорларга мувофиқ «маданий революция» доирасида ўтказилган ҳаракатларнинг характеридан Мао Цзэдун ҳам, Чжоу Энлай ҳам яхши хабардор эдилар, деб таъкидлади. Шуниси характерлики, прокурор ўз нутқида Цзян Циннинг энг асосий важини рад қиладиган ишонарли далилларни топа олмади.

«Маданий революция»ни Мао Цзэдуннинг ўзи бошлаганлиги ҳамда ўша даврда кадр ходимларга ва халқ оммасига нисбатан беҳисоб бедодлик ва жабр-зулм қилинганлиги маълум бўлишига қарамай, прокурор «маданий революция» даврида Мао Цзэдун жиноят қилгани йўқ, балки «раҳбарлик соҳасида хаталарга йўл қўйди, деб даъво қилди. Хитой матбуотида «маданий революция»ни бошлаган Мао Цзэдун «партия билан халқ бошига катта бахтсизликлар солди», деб ёзганлигининг ўзи ҳам прокурорнинг важларини чиппакка чиқаради.

Айбланувчиларнинг Хитой юқори тўдасидаги сиёсий курашнинг турли босқичларидаги ҳаракатларини тергашга, уларнинг Хитой раҳбарлари орасидаги ғаламисликларда қатнашганларига судда катта эътибор берилганлиги факти ҳам суднинг сиёсий характеридан далолат беради. Мана шу тергов вақтида бир-бирининг кетидан айғоқчилик қилиш, телефондаги гапларга қулоқ солиш, туҳмат қилиш, бедодлик, ёлғон чақимчиликларга биноан қамоққа олиш ва қийноққа солиш сингари социалистик қонунчиликка зид бўлган методлар кенг миқёсда қўлланилганлиги аниқланди.

Суд мажлиси Пекиннинг ҳозирги юқори тўдасидаги гуруҳларнинг ўзаро курашини янада жазава олдириб юборди. Суднинг ўтказилишидан Дэн Сяопинни ва ҳозирги раҳбарлик қилиб турган бошқа бир қанча арбобларни сиёсий жиҳатдан кўкларга кўтариб мақташ учун фойдаланилди. Суд ва Хитой матбуоти Дэн Сяопинни биринчидан «маданий революция»нинг асосий қурбони қилиб кўрсатишга уринган бўлса, иккинчи томондан унинг 1976 йил октябрида «тўртлар тўдаси»ни ағдаришдаги ролини улуғлашга уринди. Пекин матбуоти «тўртлар тўдаси»ни пировард натижада Дэн Сяопин ағдариб ташлади, деган гапни Хитой газетхонининг миясига қуймоқда, уларни қамоққа олишда Хуа Гофэннинг роли эса энди тилга ҳам олинмаяпти. Чет эл матбуотининг батафсил хабар беришича, суд мажлисининг якунловчи босқичида Хуа Гофэннинг «тўртлар тўдаси» билан алоқалари тўғрисидаги масала кўтарилди.

Пекиндаги суд Хитойдаги сиёсий беқарорлик ва умумий аҳволнинг зиддиятлилигини кўрсатувчи яна бир далил бўлди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. «Женерал моторс» автомобилсозлик концерни 150 мингта енгил машинани ремонт қилиш учун қайтариб олиб келишга мажбур бўлди. Уларда катта нуқсонлар борлиги аниқланди. Автомобиль саноати фойда кетидан қувиб, кўпинча бозорга кўпдан-кўп камчиликлар ва нуқсонлари бўлган машиналарни чиқариб сотмоқда.

ЛА-ПАС. Боливияда ишсизлик даражаси ҳамон юқори погонада турибди. Меҳнат ва касаба союзлари ишлари министри А. Кальдероннинг бу ерда айтишича, ҳозир мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 24 проценти иш тополмай юрибди.

МАНАГУА. Сальвадор ҳарбий-граждан ҳунтасининг бошлиги Дуарте ўз кабинети аъзоларидан бир нечатасини алмаштирди. Ҳукуматнинг бир қанча аъзолари ва саккиз министр ўринбосари истеъфога бўшатилди. Яқинда олий ҳарбий қўмондонликда ҳам ўзгариш қилинган эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, Сальвадордаги реакцион режимнинг юқори табақаси қоқиштириб олинганлиги унга мўътадиллик тусини бериш мақсадини кўзлаган эди. Аслида эса раҳбарлик органларига энг тескарича кучларнинг намояндалари киритилди.

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия мамлакатда қазиб олинаётган нефть нархини бир баррел учун 7,7 ринггит миқдорида оширганини эълон қилди (бир баррел салкам 159 литрга тенг). Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти [ОПЕК] қарорини бажариш юзасидан мана шундай қадам қўйилди, дейилади Малайзия миллий нефть корпорацияси «Петронас»нинг ахборотида. Малайзия нефть запасларини консервация қилиш сиёсатики ўтказиб, «қора олтин» қазиб олишни кунига ўтган йилги 275 минг баррелдан 230 минг баррелга туширмоқчи эканини ҳам эълон қилди. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатнинг нефть резервлари ҳозиргидек суръатлар билан ишлатиладиган бўлса, тахминан йигирма йилдан кейин бу ресурслар тугаб қолади.

(ТАСС).

ЯПОНИЯ АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ТОКИО, 9 январь. (ТАСС). Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Ляо Чэнчжи Япония делегациясининг аъзолари билан суҳбатда ХКП Марказий Комитетининг ҳозирги раиси Хуа Гофэн Пекиннинг Тяньаньмэнь майдонида 1976 йилда бўлган намойиш қатнашчиларидан ўч олинганлиги учун бевосита жавобгар эканини тасдиқлади. Ўша вақтда Хуа Гофэн жамоат хавфсизлиги министри лавозимида эди. Кнодо Цусин агентлигининг мухбири Хитой пойтахтидан шу хабарни юборди.

Хуа Гофэн Хитой экономикасига ёмон раҳбарлик қилинганлиги учун жавобгарликдан бўйин товлаш мумкин эмас, деди сўнгра Ляо. Шу тариқа Ляо Чэнчжи яқин келажакда Хуа сиёсат майдонидан туширилишини шаъма қилди, деб ёзади мухбир.

Учрашув вақтида хитойлик арбоб ҳозирги вақтда ХКП Марказий Комитетининг пленумига тайёргарлик кўрилаётганлигини ва «баъзи шахсларнинг бошқа ишларга кўчирилиши» кутилаётганини айтди. Аммо, у пленум қачон ўтказилишини айтмади.

ИТАЛИЯДА ЕР СИЛКИНИШИ

Италия жанубида яна ер силкиниши қайд этилди. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 3 баллга тенг.

(ТАСС).

МУҲАББАТ ҚУШИҒИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Тошкент чинни заводининг маҳсулотларига мамлакатимиз ва чет элларда талаб катта. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хил чинни буюмлари Бутуниттифоқ ва чет эл кўргазмаларида юқори баҳо олмоқда. Корхона мутахассислари, жумладан мўйқалам усталари маҳсулотларнинг тағин ҳам кўркам ва нафис бўлишига алоҳида эътибор қилмоқдалар. Узбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаров билан СССР Рассомлар союзининг аъзоси, заводнинг етакчи мўйқалам устаси Анвар Нўъмоновлар ҳамкорлиги ижобий натижалар бермоқда. Рассомлар «Кашмир қўшиғи» мавзуида ажойиб расмлар яратдилар. Муҳаббат қўшиғи қаҳрамонлари биринчи марта жарангдор чиннилар юзида ўз ифодасини топди. Янги маҳсулотлар Узбекистон амалий санъат музейига қўйилди.

Шу кунларда Тошкент чинни заводи рассомлари КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб тухфалар ҳозирламоқда.

Суратларда: мўйқалам усталарининг «Кашмир қўшиғи» мавзуида яратган асарларидан намуналар. Чапда эса рассом А. Нўъмонов иш устида.

О. АПУХТИН.

Автор фотолари.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» ВА УзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

Кўркам бинолар

Бухорода янги ихтисослашган қурилиш тресті ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай трест коллективи Бухоронинг ўзига хос мураккаб иқлими талабларига мос келадиган йирик панелли уй-жой бинолари қуриш борасида кўпгина муҳим тадбирларни амалга ошираётир. Яқинда шаҳарнинг «Шарқ-1» микрорайонида ана шундай янги серияда уй-жой биналарининг экспериментал нусхаларини қуришга киришилди.

— Бухоронинг ёзи ҳам, қиши ҳам одатдагидан қаттиқ келади, — дейди трестнинг 1-қурилиш монтаж бошқармаси бошлиғи А. Набиев. — Биз бинокорлар Бухорода яшовчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, қиш мавсумида табиий шароитда иссиқ — қуёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўладиган, жазирама ёз ойларида эса, оромбахш салқинлик бахш этадиган уйлар яратиш устида узоқ вақт изландик, мураккаб инженерлик ечимларининг муваффақиятли ҳал этиб, ниҳоят янгича серияда уйларни қуришга киришдик.

Дарҳақиқат, бундай уйларнинг деразаларидан деярли кун бўйи қуёш мўралаб, хоналарга ўзининг ҳаётбахш ёғдусини тўкиб туради. Шунингдек, деразалар ёнида соя ташловчи махсус блоклар, деворлар орасида вентиляция мосламалари, том билан бино оралиғида ҳаво «ёстиқча»лари ҳам бўлиб, улар хоналар ҳавосини мўътадил ва мусоффо сақлашга, ёзда эса хоналарни салқин қилишга кўмаклашади.

Шундай оромижон типдаги уйлардан бештаси жадал суръатлар билан қурилмоқда. Бинокорлар уларни муддатидан илгари битказиб, фойдаланишга топшириш ҳаракат қилишмоқда. Бу йил янги серияли уй-жой бинолари кўплаб қуриш планлаштирилмоқда. Бунинг учун трест қуввати икки баравар оширилиб, у йилига 96 минг квадрат метр уй-жой барпо этадиган даражага етказилади.

Қишлоқ жамоли

Охунбобоев номли колхоз маркази — Қурултой (Хоразм область, Хонқа райони) поселкасида қадимий меъморлик санъати ва замонавий архитектура уйғунлашиб кетган. Бу ердаги уйлар маҳаллий иқлим хусусиятлари ҳисобга олиниб қурилган, уларнинг шарқ олд томони нақшлар услубида безатилган, ҳар бир коттежнинг ҳовлиси, ёрдамчи иморатлар бор. Шинам квартиралар газ, марказий иситиш системаси, ванна душ канализация билан таъминланган.

Квартиралар 20 йилгача муддатга берилган. Истасанг бир қаватли коттежда ёки икки қаватли коттежда яшашинг мумкин.

Посёлкада маданият саройи ҳам бор. Ўрта мактаб, болалар боғча-яслиси, оналар учун пансионати бўлган болалар касалхонаси, гигиена ва турмуш маданияти жамоат университети очилган. Ҳамма нарса колхоз маблағи ҳисобига қурилган. Фақат ўнинчи беш йилликда. Бунинг учун бир ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Қурултой посёлкасида янги йил кунлари ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари маиший хизмат комбинати, магазин, ёзги кинотеатр, меҳмонхона, чойхона ва ошхона фойдаланишга топширилди.

Посёлкада революция, жангговар ва меҳнат шуҳрати колхоз музейи ҳам бўлади. Ун биринчи беш йилликда агрошаҳарчанинг иккинчи навбатини ҳам топшириш белгиланган.

Ҳозир Хоразмда 150 дан зиёд ана шундай посёлкалар барпо этилмоқда. Булар қишлоқ уй-жой қурилиш кооперативлари маблағлари ҳисобига қурилмоқда.

«ҲАЗРАТИ ИНСОНИ ДЕБ...»

УЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР КИНОСТУДИЯСИНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАБ СУРАТГА ОЛГАН ФИЛЬМИ ШУНДАЙ ДЕБ АТАЛАДИ

Киностудия ҳар йили кўплаб фильмлар ишлаб чиқаради. Бу асарларнинг аксарияти бугунги кунда республикамиз, қолаверса, мамлакатимиз кино санъати мухлисларига яхши маълум ва танш. Ижодий коллектив саксоннинчи йилнинг сўнгги кунларида иноҳоясига етказган «Ҳазрати инсони деб...» картинасининг бадиий раҳбари атоқли санъаткор, СССР халқ артисти Малик Қаюмов.

Устоз Малик Қаюмовнинг ўзи «6 миллион учун кураш» деб номланган ҳужжатли фильмини яқинда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди. Бу асар ҳақида санъатшунослар ва кенг жамоатчилик таҳсин сўзларини айтишмоқда.

Шогирд Ҳожимурод Иброҳимов фильмида-чи? Унда ҳам шу услуб — манзарадаги ҳар бир штрих оламжаҳон мазмун ташийди. Шу фильмни томоша қилиш ниятида эдим, таниқли режиссёр Тошхўжа Акромов мени кўрсатув залига бошлади. Чироқ ўчди. Кадрда рангли манзаралар жилва кўргазди. Манзаралар ҳаракатига яраша мусиқа янгради.

Съезддан съездгача қанча улуғвор ишлар амалга оширилди. Лекин шу улкан ўзгаришларнинг энг асл, энг нодир қирраларини бир ерга жамлаб, Совет Ўзбекистонининг бутун бўйи-бастини, ҳусни-жамолини, қийинчиликларни, ютуқларни эллик минутлик фильмга сиғдира олиш осонми? Аммо операторлар — М. Салимов ва Ш. Маҳмудовлар режиссёр билан ҳамкорликда вертолётга тирмашиб, жаннатмакон ўлкамизни юксакдан суратга олишда маҳорат кўрсатдилар.

Дарҳақиқат, республикамиздаги кўркам шаҳарлар, нурафшон кўчалар, муаззам заводлар, қурилишлар, саноат корхоналари бутун салобати билан, улкан муваффақиятлари билан кўз олдимизда жонланаверди. Ютуқларимиз миқёси катта экан. Биргина Чирчиқ шаҳар саноатчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотга Совет Иттифоқи бўйича 3 мингдан ортиқ адрес мунтазир. Жаҳондаги 38 мамлакат эса, бу ноёб маҳсулотларни харид қилишга талабгор.

Даблдурустдан диктор овози янграйди:

— Капролактам нима ўзи? Бу — мустаҳкам мато, Ундан шиналар, покришкалар ва бошқа нарсалар тайёрланади.

Ҳаш-паш дегунча рўпарамизда Бекобод металлургия заводи, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати ясов тортди. Дам ўтмай далаларга жала қуйди. Бўйи бир қарич келадиган кўм-кўк ғўзалар саргайиб, рамақижон бўлиб қолган. Заъфарон ғўзаларга чўнқайган Деҳқон Отанинг усти-боши шалаббо. Юзидаги ёмғир томчилари кўз ёшига ўхшаб оқиб тушмоқда. Обҳаво инжиқлиги туфайли ҳар йили аҳвол шу!

Тағин саллабодроқдай оқариб турган пахтазорлар, «зангори кема»лар кўринди. Тағин ҳотин-қиз механизаторлар ғулда. Тағин тоғ-тоғ хирмонлар... Ҳамро бобо ҳам неваларини ёнига олиб шипшиддам бўлган далада... ғўзапоялар орасида яшириниб қолган пахталарни териб олмоқда...

— Йўқ, бу кейинги манзара ҳаётда энди бўй кўрсатмайди. Техника янада фаолроқ ишлайди, — дедим Тошхўжа Акромовга секин. — Биз ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир кўрсатаётган қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ўз қушандаси бўлмиш трихограммани экин майдонларига қўйиб юборамиз. Шундан кейин далаларга кимёвий йўл билан ишлов беришга чек қўйилади!

Режиссёр индамади. Яна фикри-зикрим чодирхаёлга қаратилди.

Ана, олти миллиондан ошиқроқ пахта ҳосили рапақами!

Леонид Ильич Брежнев табриги!

Олқиш!..

Республикамизда пахта ҳосилини янада ошириш мумкин. Лекин бизда сув танқислиги чатоқ-да! Диктор овози жаранглайди:

— Бизга сув эртага эмас, бугун керак! Улуғ Сибирь дарёси биз томонга қиё боқса бас!

Кадрда: Сибирь соҳилида саф тортган кулбаларни тизза бўйи сув босган... Бир ёқда тошкин, бир ёқда қаҳроқ чўллар, тарам-тарам тўлинган ерлар.

— Қувадан юксакда жойлашган тоғлар орасида ҳам бўз ерлар кўп, — дейди Қува райкомининг биринчи секретари Муса Шербўтаев. — Насос станциясини қуришга қарор қилдик.

Кадрда — Самарқанд область, Пахтачи районидаги «Хумор» қишлоғи. Ана, бошдан-оёқ ипак палослар билан безатилган хоналардан бири. Ана, велосипед миниб кетаётган қари-қартанглар...

Бу, режиссёр томонидан исбот этилган фаровонлик нишонасидир!

Тасвир Тошкент шаҳрига кўчади. Фавворалар орқали В. И. Ленин ҳайкалини кўрамиз. Муаззам шаҳар кўчалари, хиёбонлар, янги қурилган бинолар, метрополитен, Тошкент сари елиб келаётган вазни енгил вагонлару, жўнаб кетаётган оғир юкли вагонлар муттасил мусиқа зарби остида таъриф-тавсифга сиғмайди! Тинчлик ва дўстлик йўли Тошкент орқали ўтади! Тошкент — фестиваллар шаҳри!

Ҳа, «Ҳазрати инсонни деб...» ҳужжатли фильми ана шундай завқбахш асар!

А. ҚОСИМОВ.

СПОРТ

КАРАТЭ:

ЧАПДАСТЛИК ҚУРИГИ

Шу кунларда Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси мухлислар билан гавжум. Бу ерда спортнинг эндигина оммавийлашиб келаётган тури — каратэ бўйича Узбекистон шахсий-команда чемпионати ўтказилмоқда. Мусобақада «Спартак», «Буревестник», «Меҳнат», «Динамо» «Меҳнат резервлари», «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари ва тошкентлик армиячилар ўзаро баҳслашмоқдалар. Чемпионлик учун курашда 100 дан зиёд каратэчи иштирок этмоқда. Мусобақа низомига кўра ҳар бир каратэчи ўз вазнига кўра иккитадан кураш ўтказади. Ютқазган ўйиндан чиқади. Биринчи кун беллашувларида тошкентлик спорт мастери Николай Ўгай ҳамда унинг командадошлари Валериан Лигай, Эдуард Ли, Александр Лимлар маҳорат кўрсатдилар. Бугун чемпионлар аниқланади.

ФУТБОЛ:

САМАРҚАНДЛИК УҚУВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Тошкентда мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида минифутбол бўйича ўтказилган республика турнири якунланди. Саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказган Самарқанд ва Сирдарё командалари фахрли ўрин учун куч синашдилар. Учрашув самарқандлик ёш футболчилар фойдасига (7:4) ҳал бўлди. Учинчи ва тўртинчи ўринлар тақдири Фарғона — Бухоро командалари учрашувида (4:3) ҳал бўлди. Тошкент шаҳри командаси бешинчи ўринни олди. Мусобақа ёшлар ўртасида таътил кунларини мароқли ўтишига имкон яратиши билан бирга спортнинг севимли турини янада оммавийлашишида муҳим аҳамият касб этди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● ОДЕССА. Фигурали учиш бўйича СССР чемпионатининг дастлабки ғолиблари аниқланди. Ёлғиз бўлиб учишда ленинградлик И. Бобрин, спорт рақси бўйича Н. Линичук билан Г. Карпоносов, жуфт бўлиб учишда В. Першика билан М. Анбаров (Москва) ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилишди. Мажбурий программага мувофиқ москвалик Г. Водорезова ҳам муваффақият қозонди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАММАЁҚНИ КЎРАДИГАН ШИФОКОРЛАР

Ҳар қандай касаллик организм ҳароратининг ўзгариши билан боғланган. Бемор ўсимликлар ҳам «иссиқ чиқазади» бинобарин кўп инфрақизил нур тарқатади. Олимлар ўсимликларга дистанцион диагноз қўйишда шу ҳодисадан фойдаландилар.

— Ўсимликларни ерда текшириш хўжаликларимизда кенг қўламда ўтказилиб турибди — дейди ВАСХНИЛ академик-секретари Ю. Н. Фадеев. — Аммо бу машаққатли ишдир. Самолёт бортидан шу информацияни анча тез олса бўлади.

Учувчи лаборатория ёрдами билан олинган суратларда тарқалиш тўла манзараси кўриниб туради.

Аэрофотосъемка жараёнинг бошланишини дарров қайд этишга имкон беради. Чунки касаллик қанча эрта аниқланса, унга қарши кураш шунчалик самарали бўлади, дез

ФОЙДАЛИ ҚУРИЛМА

«Главташкентстрой»га қарашли «Оргтехстрой» тресті мутахассислари қурилиш конструкцияларини керакли жойга етказиш ва монтаж қилишни осонлаштирувчи юк кўтаргич қурилмасини яратдилар. Бу қурилма илк бор Тошкентдаги «Москва» меҳмонхонасини бунёд этишда қўлланмоқда. Шу янгилик монтаждаги оғир ишларни енгиллаштиришдан ташқари кўтарма кран иш вақтини тежаш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва қурилиш технологиясини ўзгартмасдан ишлаш имконини бермоқда.

КОНТЕЙНЕР ЙЎҚОЛДИ

Фельетон

— Ҳа, шунақа, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Ошнам бўлсанг, айтганимга юрасан, — Болат Келдибоев шериги Валерий Кузнецовнинг ҳоди-жонига қўймасди. — Узинг-ку, текин бўлса ходани ҳам ямламай ютадиганлардансан-а, тағин юрак ҳовучлаб менга ақл ўргатишинга бало борми? Елғонга ҳам тўн бичадиган одатингни қўй, оғайни. Гап шу, мен билан ўша контейнерни ўғирлагани борасан. Тамом-вассалом...

— Айтганинг ўша ўтирлашга арзийдиган нарсами ўзи? Текшириб кўрганмисан. Ростдан ҳам ҳужжати йўқ эканми? — ичида ўғирлик деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр турган Валерий Кузнецов атай шеригига сир бой бергиси келмай гапни айлантириб сўрайверди. Агар дарров «хўп, розиман» дегудай бўлсами, худди биров билиб шармандасини чиқарадигандай ҳадиксираб, орқа-ўнгига олазарак қарарди. Ҳонада улардан бўлак ҳеч ким йўқ эди-ю, шунда ҳам ҳар четига ғаз қистириб ўтди: — Тағин ҳолимизга маймунлар йиғлаб юрмасин дейман-да!

— Оббо, шайтонвачча-е, мунча гапга тўн бичмасанг-а! Айтдим-ку, контейнерга ҳужжат келмаган, адашган мол деб. Яна нима керак сенга? Хўп, десанг бўлгани, қолгани хамирдан қил суғургандай осон битади.

— Ё, тавба, одамни-ку адашганини эшитганман, лекин молнинг адашганини биринчи марта эшитиб турибман. — Валерий шундай деди-да, елка қисди, кейин розилик бериб қачон «ов»га чиқиш нераклигини сўраганди, Болат «ўзим хабар қиламан» деб ўрнидан турди.

Шу куни вақтни кетказмай ҳамтовоқлар Тошкент темир-бетон маҳсулотлари заводида шофер бўлиб ишлаётган Маҳмуд Тошпўлатовнинг ҳузурига келишди.

— Хўш, оғайни, тайёрмисан? Машинанг учқур отдай гижинглаб турибдими?

— Албатта, сизлар сўрайсизлару, мен йўқ дейманми?! — янги танишларини қучоқ очиб кутиб олди Маҳмуд Тошпўлатов дарвоза олдида. Кейин кўз қисиб қўйиб, паст товушда секин сўради: — Ўғирлайдиган нарсаларинг каттами? Ўртада арра қиламизми? Фойдадан қуруқ қолдирмассизлар.

— Бундан чўчимай қўя қол, — деди Болат унинг елкасига қоқиб қўйиб. — Бир йиллик маошингни ишлаб оласан.

Иш пишиб, қармоқ сувга ташланди. Энди уни кўтариш, илинганни оғизга солиш қолганди, холос.

Болат Тошкент юк станциясида кранчи бўлиб ишласа ҳам, аслида эгнига етти қават тўн кийиб, қўлини совуқ сувга урмай пул топадиган эгри қўл одам эди. Илгари унинг дарди-хаёли ўғирлик йўли билан пул топиш эканлигини фақат бир ўзи-ю, хотинигина биларди. Мана энди унинг суянса суянгудай, ишонса ишонгудай ҳаром томоқ «дўст»лари — улфатлари бор. Улар билан тоғни ҳам кемириб, қанчадан-қанча омборларни ўмариб ташлашга ҳам тайёр. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб шунга айтарканлар-да!

Уларнинг биттаси қўлидан келса, ўзи бошқариб турган станциясининг кранчиси Владимир Максименко. Болатнинг қадрдон ҳамтовоқларидан. У ошнаси Болат сингари кранини шундоқ келтиради-да, контейнер-понтейнери билан М. Тошпўлатов сингари жиғилдонни пулга қайнатадиган шоферларнинг машинасига ортиб мингларча сўмлик молларни тезда гумдон қила олади.

Кунларнинг бирида бу текинтомоқ ошнаси Болат билан Тошкент юк станциясига келтирилган, ҳали эгалари чиқмаган контейнерларни оралаб юришарди. Тасодифан 1131978 рақамли контейнерга кўзлари тушди. Текшириб кўришса, ичида қимматбаҳо мўйнали пальтолар бор экан. Мол «Госкомсельхозтехника» базаси номига юборилган, ҳали хужжатлари келмаганди. Икки эгрининг кўзлари маъноли тўқнашди.

— Хўш, энди нима қиламиз? — сўради ичига ўт тушгандай типирчилаб Болат Келдибоев.

— Нима қилардик, ўмарамиз-да, — деди Владимир Максименко гўё бировга ҳайрли иш қилиб бермоқчидай бамайлихотирлик билан. Кейин тиржайиб қўйди. — Шерикларингни огоҳлантириб қўйганмисан?

Бу гапдан Болатнинг рангига қон югурди:

— Ҳа-да, ҳозирги пайтда шериксиз ош ичиб бўларканми. Топиб қўйганман.

Кечаги текинхўрлар тезда бир ерда тошиа қолишди. М. Тошпўлатов бир зумдаёқ машинасини юк станцияси дарвозасига тўғрилаб, «Контейнерни ортавер» деб ишора қилди. В. Максименко билан Б. Келдибоевлар оғзидаги ошини бировга олдириб қўйдиган ландовурлардан эмаски, «бу қингирликни биров кўриб қолса, бошимда қамчин ўйнайди», деб чўчишса. Дарҳол ҳамманинг кўз ўнгида «уй анжомлари солинган контейнерни ортиш» баҳонасида ичига қиймматбаҳо давлат мулки солинган контейнерни машинага ортиб станция дарвозасидан чиқиб кетишди. Улар олдиндан келишиб қўйилганидай, юкни Коммунистик район, Свердлов номли колхозда яшовчи Садриддин Мухторовнинг уйига туширишди. Бу вақтда ўғриларнинг бошлиғи Б. Келдибоевга милиция формаси роса иш берди. Шунча молни ўмараётганда унинг бу формада қингирликка бош бўлганлиги кимни ҳам шубҳалантирарди дейсиз.

Контейнердан чакки мол чиқмади. Ҳисоблаб чиқишса, жами 19 минг 630 сўмликдан зиёд, 267 та эркаклар пальтоси бор экан. Ўғриларнинг оғзи қулоғида-ю, ўзларини эмас, молларини қўйгани жой қидириб қолишди. Жой ҳам, ёрдамчилар ҳам топила қолди. Уларга ҳеч қаерда ишламай, текин маошат дардида юрган Иосиф Малетич, Анас Ахметов, Ленин район озиқ-овқат савдосига қарашли 3-магазин сотувчиси Суюмбека Гильмановалар қўш қўллаб ёрдам беришди. Улар мўйнали пальтоларни Мухторовнинг уйидан Тошкентга келтириб сотишда Б. Келдибоев билан В. Кузнецовларга каттагина хизмат қилишди. Тушган фойда ўртада арра бўлаверди. Бўшаган контейнерни эса Қорасув дарёсига ағдариб кетишди...

Текин овқат томоқ йиртади, дейишади. Лекин бунинг маъносини чақиб етмагани фельетонимиз қаҳрамонлари қингир ишнинг умри қисқа эканлигини ҳам тушуниб етишмасди. Улар узоққа боришмади. Аммо гап ҳозир бу ҳақда эмас. Гап ҳалигача Тошкент юк станциясида давом этиб келаётган бебошликлар, давлат мулки тақдирига бефарқлик, масъулиятсизлик билан қараладиганлиги ҳақида бормоқдаки, у ерда бўлаётган ишлар эса кишини ажаблантиради. Юк станцияси коллективи ўртасида тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганлиги, кадрлар масъулиятини ошириш борасида етарлича ишлар олиб борилмаётганлиги оқибатида юқорида келтириб ўтилган воқеа сингари қатор кўнгилсизликлар содир бўлаётир. Шунга ўхшаш воқеаларнинг қайта содир бўлмаслиги учун кураш олиб бориш эса ҳамманинг бурчидир. Ўйлаймизки, шу ташкилот раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

А. ХУЖАХОНОВ,
Н. АЛИМОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Концерт. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Спектакль. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — Фигураси учиш бўйича СССР чемпионати. 18.05 — Мультфильмлар. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20 — Пакет. Бадиий фильм. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 23.05 — Таллиннинг музикали манзаралари. 23.30 — Яшасин кино. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Телевизион театр. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Алпомиш мактабга боради. Бадиий фильм. 14.05 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 14.35 — Узбекистон спорти. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Юлдузча. 19.10 — Қишлоқ — масъулиятли давр. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Юлия Вревская. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Енгил атлетика бўйича СССР кубоги.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

12 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қувноқ стартлар. 10.50 — Концерт. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Совет композиторларининг симфоник миниатюралари. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 16.40 — Онамларнинг мактаби. 17.10 — В. Моцарт. Валтори ва торли чолғулар учун мибемоль мажор квинтети. 17.30 — Объектив. 18.00 — Муноазараклуб. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Беш йиллик ва коллектив. 19.45 — Севимли оҳанглар. 20.10 — Тайғалик йигит. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинокамерада олам. 23.35 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.05 — Болалар учун концерт. 18.35 — Совет Армияси жангчилари учун. 19.10 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Юртим тароналари. 20.15 — Толлимаржон чўлқуварлари съездолди вахтасида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.20 — Мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Совет киноси усталари. 23.10 — Оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қизиқарли математика. 20.55 — Алкоголизмнинг зарари ҳақида кўрсатув. 21.20 — Олий математика. 22.10 — Номаълум аёл. Бадиий фильм.

РАДИО

11 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Ёш овозлар. 12.10 — Узбекистон ашчиси. 13.00 — Илғор тажриба мактаблари маршрути бўйлаб. 13.30 — Совет опереттаси артистларининг концерти. 14.00 — Қишлоқ мухбирлари ёзадилар. 15.40 — Спектакль. 17.25 — М. Мирзаев ва О. Хотамов қўшиқлари. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Музикали глобус. 20.15 — Лирик қўшиқлар. 21.00 — Қўшиқ шинавандалари бизнинг студиямизда. 22.30 — С. Жалил қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

12 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съезддан съездгача. 9.35 — Тошкент область бадиий ҳаваскорлари ижро этади. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 11.15 — Дўстлик ва саховат шаҳри. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Оҳангарон чорвадорларининг муваффақиятлари. 14.00 — Пахтакорлар ўйлари. 18.15 — Газ конденсати ишламоқда. 18.25 — Ёшлик. 19.25 — Жоним Тошкентим. 21.00 — Фан уфқлари. 21.10 — М. Шайхзода. Тошкентнома. Поэмадан парча. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Тошкент области донгдор кишиларининг талабларига биноан концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ОГАРЕВ КЎЧАСИ, 6-УЙ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — Юлиан СЕМЕНОВ.
Постановкачи-режиссёр — Борис ГРИГОРЬЕВ.
Ролларда: Василий ЛАНОВОИ, Георгий ЮМАТОВ, Всеволод КУЗНЕЦОВ, Евгений ГЕРАСИМОВ, Дмитрий ДЖАЯНИ ва бошқалар.

Бу фильм Юлиан Семеновнинг шу номли повести асосида яратилган бўлиб, ҳуқуқ қонунларини ҳимоя қилувчи ички ишлар министрлиги ходимларининг жасурона хизматлари ҳақида ҳикоя қилади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/I да Келинлар кўзғолони (12.00), Ғариблар (19.30), 13/I да Рўйхатларда йўқ (19.30), 14/I да Кузнинг биринчи куни (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/I да Тўйдан олдин томоша, 14/I да Ўжарлар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья Рубанова раҳбарлигидаги «Иллюзион калейдоскоп» аттракциони иштирокида «ЦИРКДА АРЧА» янги йил томошалари (10, 13, 16, 19.30).

●

СССР ва Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартноманинг 35 йиллигига бағишлаб 12—15 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ КИНОТЕАТРЛАР, КЛУБЛАР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА Монголия Халқ Республикаси киностудияларида ишлаб чиқарилган: «ДАШТДАГИ БУРОН», «КУРАШ», «СИНФДОШЛАР», «МОТОР ОВОЗЛАРИ», «ДУШМАН УЯСИДА» фильмлари, ҳамда монгол халқининг кураши ва қаҳрамонона меҳнатига бағишланган совет фильмлари

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-14, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20 Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Р. 02725. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 9. 6